

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Фаргона вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022-йил 26- Октябр кунги 495- сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022-йил 25-октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Риштон тумани Тўда МФЙ Терактаги кўчаси ҳудудида яшовчи 1400 аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши тавсия этилади этилади.

Ичимлик сув бўйича

Риштон тумани Тўда МФЙ Терактаги кўчаси аҳолисини бир кунлик сув сарфи $__ \text{ м}^3$ хисобланиб, уланиш нуктаси.1 Тўда МФЙ ҳудудида 1 дона тик ичимлик сувқудғини қозиш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойихақувватидан келиб чиқиб 1 дона ичимлик сув минораси ўрнатиш ва UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, 1 дона шит каскад ўрнатиш.

Уланиш нуктаси.2 Тўда МФЙ ҳудудидаги мавжуд калодец дан (кувур материали-позлетилен) бўлган диаметри $\varnothing(100 \text{ мм})$ атмосфера босими 0.5ATM қувурдан лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 2.5 км бўлган ичимлик сув қувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.


Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.


Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳаққий деб ҳисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ
Риштон туман филиали раҳбари:



Ж.Собиров

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ
Риштон туман филиали ИҚВ. муҳандиси:



И.Мамадалнев